



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

НамМҚИ академик лицейи

директори  Р.Гуламов

2022 йил

Наманган мухандислик қурилиш институти академик лицейидаги ўқувчилар ётоқхонасида яшаётган ўқувчиларни уч маҳал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича

## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

### **1. Умумий маълумотлар**

1.1 . Буюртмачи НамМҚИ академик лицей  
Ташкилий-ҳуқуқий шакли Бюджет ташкилоти  
Манзил: Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти  
Наманган шаҳри И.Каримов кўчаси 12-уй  
Директор: Р.А.Гуламов

1.2. НамМҚИ академик лицейининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун академик лицей ётоқхонасида яшаётган жами 261 нафар ўқувчиларнинг уч маҳал имтиёзли овқатлантириш учун бюджет маблағлари ҳисобидан 654649000 (олти юз эллик тўрт миллион олти юз қирқ тўққиз минг) сўми ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун қушимча қиймат солиғи билан 654649000 (олти юз эллик тўрт миллион олти юз қирқ тўққиз минг) сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада келтирилган.

### **2. Танлов мақсади.**

2.1. Академик лицей ётоқхонасида яшаётган 261 нафар ўқувчиларнинг уч маҳал имтиёзли овқатлантириш ижрочи-тадбиркорлик субъекти саралаш бўйича

### **3. Танлов иштирокчилари.**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. 4.4.- бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

#### 4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши Наманган вилояти Наманган шаҳар И.Каримов кўчаси 12 уйда жойлашган буюртмачининг тегишли объектларида ишлаш иш ташкил қилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 3-2018 ва 33-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

- Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш Наманган худудий бошқармаси ва Академик лицей ҳамда ижарага олувчи ўртасида тузилган ижара шартномаси

- Ташкилотнинг бош ошпаз ва барча ходимлари тиббий кўрикдан ўз муддатларида ўтганлиги тўғрисида тиббий давтарчаси ёки гувоҳномалари

- Давлат санитария ва эпидемиология ташкилотларидан мазкур хизматларни кўрсатиш учун махсус рухсатнома

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноконуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

#### 5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича низомда белгиланган кун ва саналарда ҳисоб-варақ фактура тақдим этиб бориши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 1 ой давомида амалга оширилади.

5.3. Имтиёзли овқатлантириш бўйича таомномалар (меню) Буюртмачи маъмурияти томонидан тасдиқланади.

*Илова*

**Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат**

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган мухандислик қурилиш институти академик лицейи ётоқхонасида ёшаётган ўқувчиларнинг уч маҳал имтиёзли овқатлантиришни бажарувчи корxonани саралаш бўйича	Буюртмага асосан